

Фарзанд тарбияси (18-дарс)



11:13 / 27.12.2017 3932

Дарс Қуръон, ҳадис, зикру дуолар ва Аллоҳнинг исмлари ёд олинганини текшириш ила бошланди. Сўнгра ота деди: «Фарзандларим! Бугун бир ҳадис ўрганамиз. Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Тилидан ва қўлидан мусулмонлар озор топмаган киши мусулмондир”**, деб айтдилар.

(Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.)

Ҳақиқий мусулмон Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билдирганларидек, бошқа мусулмонларга сўзи ва амали билан озор бермаган инсондир. Мусулмон биродарларига сўкиш, масхаралаш, ёмон сўзлар сўзлаш ила озор бермайди. Ёмон сўз Аллоҳни ғазаблантиради. Одобли мусулмон Аллоҳга итоат этади ва фақатгина яхшиликни сўзлайди. Мусулмон биродарларига қўл билан озор бермайди. Ўз биродарларини уриш ёки унинг нарсасини синдириш мусулмоннинг сифати эмас».

Фотима: «Бу дин улуғ диндир, у яхшиликка чақириб, ёмонликдан қайтаради», деди.

Маҳмуд: «Ота! Қуръон нозил бўлиш қиссасини сўзлаб берган эдингиз. Жаброил алайҳиссаломни карамли фаришталардан бир фаришта,

дегандингиз. Фаришталар ҳақида сўзлаб беринг», деди.

Ота: «Фаришталар Аллоҳнинг махлуқотлари ичида улуғ махлуқотлардандир. Аллоҳ уларни нурдан яратгандир. Улар У Зотга ҳар вақт ибодат қиладилар ва ҳар қандай ишни бажарадилар. Фаришталарнинг сони жуда кўпдир. Ҳар бир фаришта Аллоҳ унга буюрган вазифаларни бажаришга таъйинланган. Шунингдек, фаришталар мусулмон кишини Аллоҳнинг изни ила шайтонлардан сақлайди. Ҳар бир инсоннинг ўнг тарафида яхшиликларни ва чап тарафида ёмонликларни ёзадиган фаришталар бўлади. Биз олдин зикр қилган **Жаброил** алайҳиссалом фаришталарнинг бошлиғи бўлиб, ваҳийни набийларга етказишга таъйинланганлар. Фаришталардан **Микойил** алайҳиссалом ёмғир ёғишига таъйинланганлар. **Исрофил** алайҳиссалом қиёмат бўлганда “сур”га пуфлашга таъйинланганлар. **Молик** алайҳиссалом дўзах қўриқчисидирлар», деди. Азроил алайҳиссалом жон олувчидирлар.

Фотима: «Бугун Аллоҳнинг гўзал исмларидан ва тонгги-ю кечки зикрлардан қайсиларини ёдлаймиз, отажон?» деди.

Ота деди: «Аллоҳнинг гўзал исмларидан **Қодийр, Қоодир, Муқтадир** (ҳар бир нарсага қодир бўлган Зот), **Муқоддим** (истаган нарсасини муқаддам қилувчи Зот), **Муаххир** (истаган нарсасини орқага сурувчи Зот), **Аввал** (У Аввалдир, бошланиши йўқ), **Ахир** (У Охирдир, охири, тугаши йўқ) бор.

Тонгги ва кечки дуолардан ушбуларни ёдлаймиз:

عِيَشُ لِكُ بَرَّةِ دَاهِشَلْ اَوْ بِيْغَلْ اَمْ لَعِ مِنْ رَا لْ اَوْ تَا وَا مَّ سَلْ اَرْطَا فٌ مٌ هَلْ لْ ا
نَا طِيْ شَلْ اَرْشَوِي سَفَنَنْ رَشَنْ مَلَبْ دُوْعَا تَنْ اَلْ a

«Аллоҳумма фатирос самаваати вал арз ѓалимал ғойби вашшаҳадаҳ Робба кулли шай’ин ва малийкаҳ, ашҳаду аллаа илааҳа иллаа анта аъузуубика мин шарри нафсий ва шарриш шайтони ва ширкиҳ».

(Маъноси: «Аллоҳим, осмонлару ерларнинг яратувчиси, ғайб ва очиқ-ойдинни билувчи, ҳар бир нарсанинг Роббиси ва Эгаси, Сендан ўзга илоҳ йўқ, деб гувоҳлик бераман. Сендан нафсимнинг ёмонлигидан ва шайтоннинг ёмонлиги-ю ширкидан паноҳ сўрайман».)

Шу пайт осмондан ёмғир ёға бошлади ва ёмғир томчилари деразага уриларди.

Маҳмуд: «Отажон! Очиқ айвонга чиқиб, ёмғир ёғишини томоша қилишимизга рухсат берасизми?» деди.

Ота: «Ҳаммамиз очиқ айвонга чиқиб, бу яхшилиқни кўрамиз ва ёмғир ёғиш дуосини ўқиймиз», деди.

Фотима: «Бу қандай дуо, отажон?» деди.

Ота деди: «Ёмғир ёғаётганда шундай деймиз:

اَعْفَانِ اَبِيْصَمٍّ مَّهْلَلِا

“Аллоҳумма соййибан наафиъан”.

(Маъноси: «Аллоҳим, фойдали ёғдириш ила ёғдир».)

(Имом Бухорий ва Ибн Можа ривоятлари.)